

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Кўшкўпир тумани

07-Октябр 2022 й.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Кўшкўпир тумани Мактабгача таълим бўлими номидан низом асосида иш кўрувчи рахбари Х.Н.Сабилова бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Келажак Ишончи Строй Сервис» МЧЖ номидан низом асосида иш кўрувчи рахбари И.Саъдуллаев иккинчи томондан Кўшкўпир тумани 22-сон Мактабгача таълим ташкилоти жорий таъмирлаш ишларини бажариш бўйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР**1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:**

- ижро ҳужжатлари — натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;
- қурилиш майдони — мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;
- вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
- беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- шартнома нархини бўлиб чиқиш — ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ асосида ишларини бажаришда қўзда тутилган лойиха ҳужжатлари бўйича 22-сон Мактабгача таълим ташкилотини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

2. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда **94 200 000 (Тўқсон тўрт миллион икки юз минг) сўми** ташкил этади.
3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:
 - қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
 - ишлар қиймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
 - объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга ўзгартирилганда.
5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
 - қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
 - қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
 - буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
 - қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шуниингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
 - қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш; мазкур шартнома бўйича объектга фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб — ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;- қурилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;
 - қурилишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммага суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини буюртмачига тақдим қилади.-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.
9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тўлиқ ҳажмда тақдим қилади.
10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;
 - Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
 - Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
 - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
 - Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолагандан ва Ғазначилик рўйхатидан ўтгандан кейин юридик кучга кирилади.
14. Пудратчи мазкур шартномага қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради
15. Қурилиш ишлари бажариш муддати 15 календарь кунни ташкил этади.

VII. ТҶУЛОВЛАР ВА ХИСОБ - КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.
17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий Қўшқўпир тумани 22-сон Мактабгача таълим ташкилоти жорий таъмирлаш қийматининг 30% миқдорида аванс ўтказади, бу 28 260 000 сўмни ташкил этади.
18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар уч банка қунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.
19. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.
20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.
21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнанинг охири қунигача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари туғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати туғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.
22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати туғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.
23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини - техник аудитори тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
26. Пудратчи техник аудитори ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
28. Пудратчи Буюртмачининг маъмуриятига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қилинган муддатда қайта бажаришга мажбурдир. Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қилинган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.
30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши туғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмас, у ҳолда ишларни бажариш дафтарига ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.
32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.
33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди. Мавжуд нуқсонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан.
- бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

37. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.
38. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидага мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборди.
39. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
40. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6 май 2003 йилдаги ПФ-3240 сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар маҳкамасининг 395 сонли қарори билан, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни қоплайди.

42. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қуйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини уч банка кунида сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- шартномага муофик ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош тортгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош тортган сумманинг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- шартнома шартларига муофик тайёр ҳолда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

43. Мазкур шартномада кўзда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қуйидаги ҳолларда мулкӣ жавобгар бўлади ва:

- Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнанинг охири кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди

44. объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

45. Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчшшқлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ўн кундан ортиқ бўлмаган) муддатда бартараф қилмаса ушбу аниқланган камчшшқлар, нуқсонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

- Агарда томонлардан бири ўз реқвизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, қорхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи тамонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тўлайди.

- Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

46. Тамонларнинг мулкӣ жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.

47. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкӣ талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки ўзгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

49. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва фғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

50. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи тамонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

51. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар имзолаб, Ғазначилик бўлимлардан руйхатдан ўтганидан кейин ҳақиқӣ ҳисобланади.

Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

53. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

54. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта кўриб чиқилади.

55. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

56. Мазкур шартнома Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ҳазначилик бўлималаридан руйхатдан ўтган қондан бошлаб қонуний кучга киради.

57. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилди.

XVI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

58. Ушбу шартноманинг ҳар бир тамони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилинишини кафолатлайди. Истеъмомчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мабойнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директорлари, ходимлари агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.


XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

“Келажак Ишончи Строй Сервис” МЧЖ	Қўшқўпир тумани Мактабгача таълим бўлими
Манзили: ХАДРА, ПОЛВОН МАҲАЛЛАСИ, АҲИЛЛИК КЎСҲАСИ, 2-ЙЎЛАК, 1-УЙ	Манзили: Аз-Замахшарий кўчаси 1-уй
Тел/факс:	Тел/факс: 32-98-453
х/р: 20208000805407815001	ш/хр: 100022860332127091100251028
ИНН: 308612008	ИНН: 305153620
ОКЭД:	ОКЭД:
Банк: КУШКУПИР Т., "АГРОБАНК" АТБ КУШКУПИР ФИЛИАЛИ	Молия Вазирлиги Ҳазначилиги
МФО: 00565	Еазна х/в: 23402000300100001010
	Банк: Марказий банк Тошкент ш ХККМ
	МФО: 00014 ИНН: 201122919

М.Ў Раҳбар (имзо) И.Саъдуллаев



Х.Н.Сабирава

IJRO.GOV.UZ

Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.

Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.



Imzolovchi F.I.SH.	XOLIDA SABIROVA NURMAMEDOVNA
Imzolangan sana	10 OKT 2022 09:49
Hujjat kodi	OV1773314235
Hulosa kodi	GQ2880666877
Shartnoma raqami	293-12-172-MT/2022

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

GQ2880666877

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **22-son pudrat shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Qo'shko'pir tuman Maktabgacha ta'lim bschlimi tomonidan 07.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Qo'shko'pir
tuman yuridik
markazi
yuriskonsulti:**



B.B.YUSUPOV

10.10.2022

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 156067 на приобретение 22-сон мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 04.10.2022

Время рассмотрения 04.10.2022 17:14

Закупочная комиссия Кушкупир туман мактабгача таълим булими (МТБ) марказлашган бухгалтерия, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	SABIROVA XOLIDA NURMAMEDOVNA	БУЛИМ МУДИРИ	Кушкупир МТБ
Секретарь комиссии	XO'JABOYEVA NIGORA OMONOVNA	Хисобчи	Кушкупир МТБ
Член комиссии	XODJAMURATOVA DURDONA SHOMURATOVNA	хисобчи	Кушкупир МТБ
Член комиссии	Бахтиёрров Жахонгир Алишерович	давлат харидлари буйича мутахасис	Кушкупир МТБ
Член комиссии	ABDUSHARIPOV ABDULLA XUSINOVICH	Бош хисобчи	Кушкупир МТБ
Член комиссии	ERJANOV JAMOLIDDIN EGAMBERGANOVICH	Экспулатация хизмат бошлиги	Кушкупир МТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 04.10.2022 года № лота 156067.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	94 430 729.00
Стартовая сумма	94 430 729.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Оферант тўғрисида умумий маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Кархона устави , Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш гувоҳномаси , ҚҚС гувоҳномаси(фаол бўлиши керак) учун ,

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	3	Оферант тўғрисида умумий маълумот	3	Экспертная		
Келажак Ишончи Строй Сервис МЧЖ	3	Оферант тўғрисида умумий маълумот	3	Экспертная		

Критерий №2 Товарнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархнинг 50% гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Бир йиллик айланма маблағи Оборотка шаклида хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.(Зарур)(Зарур)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	5	Товарнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархнинг 50% гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги	5	Экспертная		
Келажак Ишончи Строй Сервис МЧЖ	5	Товарнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархнинг 50% гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги	5	Экспертная		

Критерий №3 ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ИШ ТАЖРИБАСИ.Олдинги бажарган ишлари бўйича харид комиссиси 10 банк иш куни муддатида ўрганиб чиқади ва нуқсонлар аниқланса иштирокчи танловдан четлаштирилади.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектларга ўхшаш объектларда буюртмачи ташкилотлар билан тузилган шартномалар рўйхати жадвал кўринишда тағдим қилинади ва камида битта буюртмачи ташкилотлардан тавсиянома.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	20	ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ИШ ТАЖРИБАСИ.	20	Экспертная		
Келажак Ишончи Строй Сервис МЧЖ	20	ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ИШ	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		ТАЖРИБАСИ				

Критерий №4 Кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот раҳбари ва ишчи ходимларнинг my.mehnat.uz сайтидан меҳнат дафтарчасидан кўчирма

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	10	Кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги.	2	Экспертная		
Келажак Ишончи Строй Сервис МЧЖ	10	Кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги.	10	Экспертная		

Критерий №5 Банкдан картатека 2 дан қарздорлиги бўлмаслиги керак.Банк кредитидан қарздорлиги бўлмаслиги керак.Хизмат курсатувчи банкдан маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Хар бир маълумотнома асл нусхалари танлов эълон қилинган санадан кейинги сана бўлиши керак (Зарур)(Зарур)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	10	Банкдан картатека 2 дан қарздорлиги бўлмаслиги керак.Банк кредитидан қарздорлиги бўлмаслиги керак.Хизмат курсатувчи банкдан маълумотнома	10	Экспертная		
Келажак Ишончи Строй Сервис МЧЖ	10	Банкдан картатека 2 дан қарздорлиги бўлмаслиги керак.Банк кредитидан қарздорлиги бўлмаслиги керак.Хизмат курсатувчи банкдан маълумотнома	10	Экспертная		

Критерий №6 Объектнинг бошланғич нархнинг камида 20 % маблағи ҳисоб рақамда мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома.Хизмат курсатувчи банкдан маълумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание: Хар бир маълумотнома асл нухалари танлов эълон қилинган санадан кейинги сана бўлиши керак (Зарур)(Зарур)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	5	Объектнинг бошланғич нархнинг камида 20 % маблағи ҳисоб рақамда мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома.Хизмат курсатувчи банкдан маълумотнома.	5	Экспертная		
Келажак Ишончи Строй Сервис МЧЖ	5	Объектнинг бошланғич нархнинг камида 20 % маблағи ҳисоб рақамда мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома.Хизмат курсатувчи банкдан маълумотнома.	5	Экспертная		

Критерий №7 Курилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Эълонда кўрсатилган объектда иш хажми ва хусусиятини тўлик ўрганганлиги(белгиланган шаклда) лойиҳа - смета хужжатлари мос келиши тўғрисида маълумотнома . Объектни ўрганиб чиқилганлиги тўғрисидаги маълумотлар шу жумладан кириш йўллари муҳандислик тармоқлари мавжудлиги , мавжуд бино ва иншоотлар буйича чизмалар ишлаб чиқиб тақдим қилиш.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	30	Курилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома	30	Экспертная		
Келажак Ишончи Строй Сервис МЧЖ	30	Курилиш майдонини кўрганлик тўғрисидаги маълумотнома	30	Экспертная		

Критерий №8 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома (танлов эълон қилинган кундан кейин олиниши шарт QR коди билан)

Тип: Текстовое значение

Описание: Хар бир маълумотнома асл нухалари танлов эълон қилинган санадан кейинги сана бўлиши керак (Зарур)(Зарур)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	5	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома	5	Экспертная		
Келажак Ишончи Строй Сервис МЧЖ	5	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома (танлов эълон қилинган кундан кейин олиниши шарт QR коди билан)	5	Экспертная		

Критерий №9 Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.

Тип: Текстовое значение

Описание: Ариза Қўшқўпир туман мактабгача таълим бўлими харид комиссияси номига ёзилиши керак.Оферент томонидан имзоланган муҳрланган кўринишда.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	2	анлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.	2	Экспертная		
Келажак Ишончи Строй Сервис МЧЖ	2	Танлаш иштирокчилари томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги ҳақидаги талаб.	2	Экспертная		

Критерий №10 Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо	5	Ўзига нисбатан	5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Инвест МЧЖ		жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.				
Келажак Ишончи Строй Сервис МЧЖ	5	Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги	5	Экспертная		

Критерий №11 Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот (2021 йил учун йиллик баланс ва молиявий натижалар ҳисоботи)

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот тамонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	5	Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот	5	Экспертная		
Келажак Ишончи Строй Сервис МЧЖ	5	Молиявий кўрсаткичлар тўғрисида маълумот	5	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	94 430 729.00	94 400 000.00 UZS	94 400 000.00	00.00	94 400 000.00	04.10.2022 10:01:26	9.97881
Келажак Ишончи Строй Сервис МЧЖ	94 430 729.00	94 200 000.00 UZS	94 200 000.00	00.00	94 200 000.00	04.10.2022 10:09:58	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
Хадра Савдо Инвест МЧЖ	82.8	9.97881	92.77881
Келажак Ишончи Строй Сервис МЧЖ	90	10	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 156067 от 04.10.2022 года на приобретение 22-сон мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

Келажак Ишончи Строй Сервис МЧЖ
308612008

и резервный исполнитель: Хадра Савдо Инвест МЧЖ (303494301)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	SABIROVA XOLIDA NURMAMEDOVNA	Согласен	
Член комиссии	XODJAMURATOVA DURDONA SHOMURATOVNA	Согласен	
Член комиссии	Бахтиёров Жахонгир Алишерович	Согласен	
Член комиссии	ABDUSHARIPOV ABDULLA XUSINOVICH	Согласен	
Член комиссии	ERJANOV JAMOLIDDIN EGAMBERGANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП